

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЕПБАРОВА САЯТ КУРБАНМИРАТОВНА**

**«ОШИҚ НАЖАБ» ДОСТОНИ ТУРКИЙ ВЕРСИЯЛАРИНИНГ  
ГЕНЕЗИСИ ВА ПОЭТИКАСИ  
(Ўзбек, туркман ва қорақалпоқ версиялари мисолида)**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УДК: 398.2(=221.13)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Жепбарова Саят Курбанмиратовна**

«Ошик Нажаб» достони туркий версияларининг генезиси ва поэтикаси  
(ўзбек, туркман ва қорақалпоқ версиялари мисолида) ..... 3

**Жепбарова Саят Курбанмиратовна**

Генезис и поэтика тюркских версий дастана «Ошик Наджаб»  
(на примере узбекской, туркменской и каракалпакской версий) ..... 29

**Jepbarova Sayat Kurbanmiratovna**

Genesis and poetics of the Turkic versions of the dastan «Oshik Najab»  
(on the example of the Uzbek, Turkmen and Karakalpak versions) ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЕПБАРОВА САЯТ КУРБАНМИРАТОВНА**

**«ОШИҚ НАЖАБ» ДОСТОНИ ТУРКИЙ ВЕРСИЯЛАРИНИНГ  
ГЕНЕЗИСИ ВА ПОЭТИКАСИ  
(Ўзбек, туркман ва қорақалпоқ версиялари мисолида)**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.2.PhD/Fil395 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жўраев Маматқул**

филология фанлари доктори,  
профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Баҳадирова Саригул**

филология фанлари доктори,  
профессор

**Сариев Санъатжон Матчонбоевич**

филология фанлари доктори

**Етакчи муассаса:**

**Нукус давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди (2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Б. Тўхлиев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси,  
филол.ф.д., профессор

**Л. Худайкулова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

**Ш. Турдимов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида назарий қарашларнинг янгиланиши эпик жанрлар ва уларга ёндашув тамойиллари, муайян жанрнинг пайдо бўлиши, тадрижий ривожланиш тарихи, бадий ўзига хослиги, эстетик вазифаси, сюжет тизими ва етакчи мотивлар таркибининг генезиси масалаларини умум-филологик мезонлар асосида қайта кўриб чиқишни тақазо қилмоқда. Айниқса, туркий халқларнинг миллий ўзига хослиги ва маънавий-руҳий оламининг кўзгуси бўлмиш халқ дostonларининг поэтик моҳиятини янгича дунёқараш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш бугунги кунда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Зотан, ҳар бир миллатнинг моддий ва маънавий маданияти, ижтимоий-маиший турмушга муносабати, фикрлаш тарзи, ботиний дунёси ва руҳий оламини ифода этувчи халқ оғзаки поэтик ижодини тадқиқ ва тарғиб қилиш наинки миллий, балки умуминсоний қадриятларни ҳам тараққий эттириш билан бевосита боғлиқдир.

Дунё фольклоршунослиги ва адабиётшунослигида типологик ва бадий таҳлил усулларининг устуворлик қилаётганлиги ва ҳар бир адабий ҳодисанинг туб моҳиятини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар кўлами тобора кенгайиб бораётганлиги мифопоэтик тафаккурнинг тадрижий тараққиёти узлуксиз ижодий жараён эканлигини исботлаш имконини берди. Бадий-эстетик қарашларнинг ўзаро алоқадорлиги ва тарихий-ворисий алоқадорликда тараққий этиши ҳақидаги бу илмий концепция генетик илдизи бир бўлган қардош халқлар фольклоридаги эпик жанрларнинг миллий трансформацияси сабабларини аниқлашга асос бўлмоқда. Зеро, Ўрта Осиё худудида яшаб келаётган туркий халқлар фольклорида қадимий эпик сюжетларнинг турли хил ўзига хос миллий версиялари шаклланган. Фольклоршуносликнинг бугунги тараққиёт даражаси тарихий-генетик жиҳатдан муштарак негизга бориб тақаладиган ана шу дostonларни замонавий илмий-назарий концепциялар асосида таҳлил этиш натижасида миллий эпосларнинг ўзига хослиги ҳамда фарқли жиҳатларини ойдинлаштириш заруратини юзага келтирди.

Илм-фан, тарих, маданият ва таълим соҳаларини ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилаётган Янги Ўзбекистонда халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш, нашр эттириш ва унинг миллий моҳиятини теран ўрганиш учун катта имкониятлар яратилди. «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида «миллий бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат ва эътибор туйғуларини кучайтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маърифий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда янада кенгайтириш»<sup>1</sup> дек эзгу мақсадларга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Зеро, «турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи. – Тошкент, 2018 йил, 2 ноябрь.

урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун кадрли»<sup>2</sup> эканлиги туркий халқлар фольклоридаги «ошиқ» туркуми дostonлари, жумладан, «Ошиқ Нажаб» дostonининг генезиси, версия ва вариантларини ҳам кенг кўламда ўрганишга йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги», 2021 йил 10 апрелдаги ПҚ-5070-сон «II Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва бахшичилик санъатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги VMQ-304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 21 апрелдаги VMQ-228-сон «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек фольклоршунослигида халқ эпосини тўплаш, нашр этиш ва илмий ўрганиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилган бўлиб, хусусан, В.М. Жирмунский, Ҳ.Т. Зарифов, Т. Мирзаев, М. Саидов, М. Муродов, А. Қаҳҳоров, С. Рўзимбоев, М. Қўшмоқов, М. Жўраев, У. Жуманазаров, И. Ёрматов, Ш. Турдимов, Ж. Эшонқулов, С. Мирзаева, А. Эргашев, С. Сариев, Н. Очиллов каби олимларнинг ишларида ўзбек халқ дostonларининг таснифи, эпик сюжетларнинг тарихий-генетик асослари ва бадиий эволюцияси, дostonчилик мактаблари, бахшилар эпик репертуарининг шаклланиш манбалари, дostonлар поэтикаси, вариант ва версия масалалари чуқур тадқиқ этилган.<sup>3</sup> Халқ эпосини муайян версия ва

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик фестивалида сўзлаган нутқи. – Термиз шаҳри, 2019 йил, 5 апрель.

<sup>3</sup> Қаранг: Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947; Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар / Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1996. – Б.69-92; Мирзаев Т. «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968; Шу муаллиф. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979; Шу муаллиф. Эпос и сказитель. – Тошкент: Фан,

вариантлар асосида тадқиқ этиш тамойилининг кенгайиши натижасида Н. Мадраҳимова, И. Диванова, Г. Эшчанова, Ш. Қаҳҳорова, Д. Халилова, Ф. Маматкулова каби тадқиқотчиларнинг диссертация ишлари<sup>4</sup> юзага келди.

Қорақалпоқ фольклоршунослигида анъанавий дostonларнинг бадий тафаккур тараққиётида тутган ўрни, дostonларнинг тарихий асослари, поэтикаси, бахши ва жировларнинг ижрочилик маҳорати масалалари Н. Давқораев, Қ. Айимбетов, И. Сағитов, Қ. Мақсетов, С. Баҳадирова, К. Алламбергенов, Ж. Хошниеъзов, К. Палимбетов каби олимлар тарафидан тадқиқ этилди.<sup>5</sup>

Туркман фольклоршунослигида халқ дostonларнинг ўзига хос хусусиятлари ва дostonларни ижро қилган бахшиларнинг бадий маҳорати масалалари Н. Муравьева, А.С. Мирбадалева Б. Маммедязов, А. Дурдиева, Б. Велиев, С. Гарриев, С. Гутлиева, А. Баймирадов, А. Бекмирадов, А. Гарриев, П. Айдогдиев каби олимлар тарафидан ўрганилди.<sup>6</sup>

---

2008; Саидов М. Ўзбек халқ дostonларида бадий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1969; Мурадов М. Эпос «Гороглы» – сокровищница душа и чаяний народа. – Тошкент, 1990; Қаҳҳоров А. Янги дostonлар. – Тошкент: Фан, 1985; Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. – Тошкент: Фан, 1985; Шу муаллиф. Хоразм дostonчилигида эпик анъана. – Урганч, 2008; Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978; Қўшмоқов М. Бахшилар хазинаси. – Тошкент, 1981; Жўраев М. The Uzbek public heroic epos «Alpomish»: genesis, epic evolution and modern variants / International Sammit on Epik Studies: Toward Diversity, Creativity and Sustainability. November, 2012. – Beijing, 2012. – P.74–75; Шу муаллиф. Эпический сюжет: истоки и эволюция. – Ташкент: «Firdavs-shoh», 2021; Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1989; Турдимов Ш. «Гўрўгли» дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан, 2011; Шу муаллиф. Эпос ва этнос. – Тошкент: Фан, 2012; Ёрматов И. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадиияти. – Тошкент: Фан, 1994; Эшонкулов Ж. Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: Фан, 2008; Мирзаева С. Ўзбек халқ романтик дostonлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2004; Эргашев А. Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилиги. – Тошкент: Фан, 2008; Сариев С. Хоразм «Гўрўгли» дostonларининг кулёма нусхалари. – Тошкент: Мухаррир, 2013; Очилов Н. Бахшичилик санъати ва эпик репертуар. – Тошкент: Фан, 2020. – 240 б.

<sup>4</sup> Қаранг: Мадраҳимова Н. «Ширин билан Шакар» дostonининг қиёсий-типологик таҳлили (ўзбек ва қорақалпоқ версиялари асосида): Филол. фанлари. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1996; Диванова И. «Хурлиқо ва Ҳамро» дostonи вариантларининг қиёсий таҳлили: Филол. фанлари. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1996; Эшчанова Г. «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» дostonининг вариантлари: Филол. фанлари. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Қаҳҳорова Ш.А. Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналарида «Оллоназар Олчинбек» дostonининг тутган ўрни ва бадий-эстетик аҳамияти: Филол. фанлари. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2008; Халилова Д. «Ёзи билан Зебо» дostonининг вариантлари ва бадиияти: Филол. фанлари. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Маматкулова Ф. «Тоҳир ва Зухра» дostonи туркий версияларининг қиёсий таҳлили: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020.

<sup>5</sup> Бу ҳақда қаранг: Дўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. Т. 2. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977; Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988; Сағитов И.А. Қарақалпақ халқының қаҳарманлық эпосы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1986; Мақсетов Қ.М. Қарақалпақ қаҳарманлық дэстанларының поэтикасы. Ташкент: Фан, 1965; Баҳадирова С. «Китаби дэдем Қорқыт», «Қоблан», «Едиге» хэм хэзирги эдебият хакқында ойлар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1992; Алламбергенов К. «Едиге» дэстанында мифлик хэм реалистлик сўўретлеў усылларының синтези // ӨзРИА ҚБ Хабаршысы. – Нөкис, 1995. – №4. – Б.133-135; Хошниеъзов Ж. Миллий руўхый дўньямыздың сағалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2007; Шу муаллиф. Қарақалпақ қаҳарманлық дэстанлары-миллий кэдириятлар дэреги. – Нөкис: Илим, 2017; Палымбетов К. «Қорқыт ата китабы» хэм қарақалпақ дэстанлары. – Нөкис: Билим, 2010; Шу муаллиф. Қарақалпақ халық дэстаны «Қоблан» (генезиси хэм типологиясы). – Нөкис, 2020.

<sup>6</sup> Бу ҳақда қаранг: Муравьев Н. Путешествия в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 годах. – Москва, 1822, ч. I; А.С.Мирбадалиев. Туркмен дэссаны «Хуйрлукга – Хемра». – Ашгабат, 1962; Б.Маммедязов. Туркмен халк дэссаны «Саятлы – Хемра». – Ашгабат, 1963; А.Дурдиева. Туркмен халк дэссаны «Аслы-Керем». – Ашгабат, 1970; М.Мирбадалева Туркменский романтический эпос / «Хуйрулукга-Хемра. Саят и Хемра». – М.: Вост. лит., 1971; Б.Велиев. «Гороглы» эпосының Ставропол варианты. Ф.ф.н. Дисс. – Ашгабат, 1973; Шу муаллиф. Б.Велиев. Ставропол Туркменлерининг дэссанлары. – Ашгабат, 1980; С.Гарриев. Туркмен эпосы, дэссанлары ве Гўндогар халкларының эпика дэреджилиги. – Ашгабат, 1982; А.Дурдиева. «Аслы Керем» дэссаны доганлык халкларың арасында. – Ашгабат, 1991; С.Гутлиева «Хуйрлукга – Хемра» дэссаны. – Чаржев, 1990; Шу муаллиф «Саятлы-Хемра» дэссаны. – Чаржев, 1991, «Аслы-Керем» дэссаны. – Чаржев, 1991;

«Ошиқ Нажаб» достони сюжети Марказий Осиёнинг Оролбўйи этномаданий ареалида истиқомат қилиб келаётган ўзбек, қорақалпоқ ва туркман, шунингдек, бошқа туркий халқлар бахшилари репертуарида оғзаки ҳолда тарқалиб, ўша халқлар маданий меросига айланган. «Ошиқ Нажаб» достонининг туркий версиялари муайян даражада ўрганилган бўлиб, унинг ўзбек, туркман, қорақалпоқ версиялари ҳақида баъзи тадқиқотлар олиб борилган, мақолалар эълон қилинган. Хусусан, С. Рўзимбоевнинг Хоразм достонларининг ўзига хос хусусиятларига доир тадқиқотларида «ошиқ» туркум достонлари қаторида «Ошиқ Нажаб» достонини ҳам таҳлилга тортган.<sup>7</sup> Мазкур достоннинг Хонқа туманидаги Туркистон жамоа хўжалигида яшовчи Зевар халфа Собирова кўлида сақланиб келган кўлёзма нусхаси асосидаги матни 2009 йилда Хоразм достонларининг «Ошиқнома» туркумининг 4-китобида чоп этилган.<sup>8</sup> Профессор С. Рўзимбоев мазкур тўпلامга ёзган сўзбошида «Ошиқ Нажаб» достонининг яратилиш тарихи, оғзаки вариантлари ва кўлёзма нусхалари, бошқа туркий халқлар фольклоридаги версиялари, чоп этилиши тарихи ҳақида қисқача маълумот берган.<sup>9</sup>

Туркман фольклоршунослигида В. Успенский, Е.Э. Бертельс, Н. Хожаев, П. Агалиев, Б.А. Гарриев, А. Кекилов, К. Сейитмиратов, С. Гутлиева, қорақалпоқ фольклоршунослигида Қ. Мақсетов, Ҳ. Ҳамидов ва бошқаларнинг ишида достон сюжети ҳақида билдирилган фикрларни учратамиз.

**Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқотлар режасининг «Туркий адабиётлар ривожланиши тенденциялари» ҳамда «Туркий халқлар фольклор жанрлари поэтикаси ва унинг ўрганилиши» мавзуларидаги илмий йўналишлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** «Ошиқ Нажаб» достони туркий версияларининг оғзаки ва ёзма вариантларини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш асосида достон сюжетининг тарихий илдизлари ва мифологик асослари, композицион тузилиши, образлар тизими, поэтикаси ва бахшилар эпик репертуаридаги ўрнини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

«Ошиқ Нажаб» достони туркий версияларининг ўрганилиш тарихини ёритиш;

---

А. Баймирадов. Эпик образда эволюция. «Гёроғлы» эпосындакы Овезиң образының мысалында. – Ашгабат, 1980; А.Дурдиева. «Гёроғлы» эпосында фантастика. – Ашгабат, 1981; А.Бекмырадов. «Гёроғлы» ның ызылары. – Ашгабат, 1988; А.Гарриев. Поэтическая система эпоса «Гёроғлы». – Ашхабад, 1990; П.Айдоғдиев. Түркменлериң «Горкут ата» эпосында халқың дүнійәгарайшының шөхлелениши. Ф.ф.н. Дисс. – Ашгабат, 1995.

<sup>7</sup> Рўзимбоев С. «Ошиқ» туркуми достонларининг ғоявий-бадий хусусиятлари (ўқув кўлланма). – Тошкент, 1987; Шу муаллиф. Идеино-эстетическое своеобразие цикла дастанов «Ашиқ» // Взаимовлияние и преемственность литератур. – Ташкент, 1988. – С.61-65.

<sup>8</sup> Ошиқ Нажаб (достон) / Ошиқнома: Хоразм достонлари. Нашрга тайёрловчилар С. Рўзимбоев, Х. Рўзимбоев, Н.Матниёзова, Н.Раимова. – Урганч, 2009. – Б.71-106.

<sup>9</sup> Рўзимбоев С. Муқаддима / Ошиқнома: Хоразм достонлари. Нашрга тайёрловчилар С. Рўзимбоев, Х. Рўзимбоев, Н. Матниёзова, Н. Раимова. – Урганч, 2009. – Б.6.



«Ошиқ Нажаб» достонининг Марказий Осиё туркий халқлари фольклорига оғзаки ва ёзма версияларини қиёсий таҳлил қилиш;

достон сюжетининг мифологик асослари ва образлар тизимининг манбаларини аниқлаш;

«Ошиқ Нажаб» достонида бахши образининг эпик талқини ва унинг мифопоэтик образларга муносабати масалаларини кўрсатиб бериш;

достоннинг туркий версияларидаги эпик сюжет ва анъанавий мотивларнинг ўзаро муштарак ҳамда фарқли талқинларини ойдинлаштириш;

«Ошиқ Нажаб» достонининг ўзига хос поэтик хусусиятларининг шаклланишида бахшиларнинг индивидуал бадий маҳорати ва бадиҳагўйлик иқтидорини кўрсатиш;

достоннинг мустақиллик даври фольклорида тутган ўрни ва аҳамиятини белгилаш, оғзаки ижро этилиш усулларини тавсифлаш.

**Тадқиқотнинг объектини** «Ошиқ Нажаб» ва «Ошиқ Албанд» достонларининг ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида сақланаётган ўзбекча оғзаки вариантлари, қўлёзма тарзида оммалашган нусхалари, шунингдек, туркман ва қорақалпоқ версиялари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** «ошиқ» туркуми достонларининг жанр хусусиятлари, эпик сюжетлар генезиси ва бадий эволюцияси, достон туркий версияларининг ўзаро муштарак ҳамда фарқли жиҳатлари, анъанавий мотивлар таркиби ва образлар тизимининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда эпик матн поэтикасини қиёсий тадқиқ қилиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, қиёсий-типологик, структурал ва адабий-эстетик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«Ошиқ Нажаб» достони туркий версиялари тилининг лексикасида ўғуз тип луғавий бирликлар устуворлик қилишига асосланган ҳолда ушбу асар созанда-бахши ҳақидаги халқ афсоналарининг поэтик трансформацияси асосида Оролбўйи эпик ареалида шаклланганлиги далилланган;

«Ошиқ Нажаб» достонининг туркий халқлар фольклоридаги оғзаки вариант ва версияларини яхлит эпик тизим сифатида илк бор қиёсий тадқиқ этиш натижасида “ошиқ” туркумига мансуб мазкур эпик асар бахшичилик ва созандалик йўналишидаги ҳамнафас ижро учун мўлжаллаб яратилганлиги исботланган;

«Ошиқ Нажаб» достонида тасвирланган воқеаларнинг бадий талқини ва сюжет тизимини қиёсий таҳлил қилиш орқали мазкур эпик асар туркий халқлар фольклоридаги «Ошиқ Албанд» достонининг давоми эканлиги далилланиб, эпосдаги биографик туркумлилик ҳодисаси “ошиқ” туркуми достонларига ҳам тааллуқли эканлиги аниқланган;

«Ошиқ Нажаб» достонининг ўзбек, қорақалпоқ ва туркман бахшилари ижросида ёзиб олинган оғзаки вариантлари ҳамда қўлёзма нусхасини қиёсий таҳлил қилиш натижасида достон туркий версияларидаги фарқли жиҳатларнинг юзага келишига миллий эпик анъаналарнинг ўзига хослиги, бахшилар-

нинг индивидуал бадий маҳорати ва бадиҳағўйлик иқтидори асос бўлганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбек, қорақалпоқ ва туркман халқлари ёнма-ён қўшни бўлиб, ўзаро дўстона муносабатда турмуш кечирганлари сабабли уларнинг фольклорида муштарак сюжетли эпик асарлар шаклланганлиги аниқланган;

«Ошиқ Нажаб» достонининг ҳар уч версиясини қиёсий ўрганиш натижасида ушбу версияларнинг ҳар бири ўзига хос композицион фарқларга эгалиги аниқланган ҳамда бу фарқли жиҳатлар ҳар бир халқ эпик анъанасининг миллий хусусиятлари билан боғлиқлиги далилланган;

«Ошиқ Нажаб» достонининг оғзаки ва нашр этилган матнларини қиёслаш натижасида эпик мотив ва образларнинг тарихий илдизлари очиқ берилган;

«Ошиқ Албанд» ва «Ошиқ Нажаб» достонлари сюжетининг тарихий-генетик илдизлари аниқланиб, ушбу эпик сюжетнинг манбалари ва уларнинг эволюцион тараққиёти йўллари белгилаб берилган;

«Ошиқ Нажаб» достони мустақиллик йилларида ҳам фаол ижро этилаётганлиги аниқланган ҳамда унинг тарбиявий аҳамияти сусаймагани ойдинлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар, ечими кутилаётган масаланинг аниқ қўйилиши, «Ошиқ Нажаб» достони туркий версиялари, хусусан, ўзбекча, туркманча, қорақалпоқча миллий версияларини қиёсий-типологик, структурал ва чуқур бадий таҳлил методлари воситасида ўрганилганлиги, назарий фикр ва таклифларнинг амалиётда кенг қўлланилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан далилланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Бахшичилик соҳасида «устоз-шогирдлик» анъаналарини ўзида акс эттирган достонлардан бири ҳисобланган «Ошиқ Нажаб» достонининг туркий халқлар фольклорида мавжуд бўлган миллий версияларини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш асосида достон сюжетининг пайдо бўлиш тарихи ва поэтикасини ёритиш туркий халқлар эпик тафаккури тараққиётида муҳим ўрин тутган бахшичилик ва достончилик санъати тарихини ойдинлаштириш имконини беради. Бахши-шоир ва жировларнинг Шарқ халқлари маданияти ва санъатидаги ўрнини белгилашга бағишланган ушбу диссертациянинг хулосалари туркий халқлар, хусусан, ўзбек, туркман ва қорақалпоқ халқлари фольклори жанрларининг тарихий илдизлари ва типологияси масалаларини тадқиқ этишда илмий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация материаллари ва хулосаларидан таълим тизимининг барча босқичларида: ўзбек филологияси, қорақалпоқ филологияси, туркман филологияси йўналиши талабаларига «Ўзбек фольклори», «Қорақалпоқ фольклори», «Туркман фольклори», «Қорақалпоқ достонлари поэтикаси», «Адабиёт ва фольклор» фанларини ўқитишда, ўқув қўлланмалар тузишда, магистрлик ишларини бажа-

ришда ёрдамчи материал сифатида, шунингдек, дарслик ва изоҳли луғатларни тузишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Ошиқ Нажаб» достони туркий версиялари генезиси ва поэтикасини қиёсий-типологик аспектда ўрганиш асносида олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий этилган:

«Ошиқ Нажаб» достонининг ёзиб олинishi, нашр этилиши ва ўрганилиши тарихи, достоннинг ошиқлик руҳида яратилганлигининг сабаблари, достон туркий версияларининг қиёсий-типологияси ва бадиий ўзига хослигига доир фактик материаллари ҳамда илмий-назарий умумлашмаларидан ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг ФА-Ф-1-005 рақамли «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ қилиш» (2017-2021) мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 2 июндаги №126/1-сонли маълумотномаси). Натижада «Ошиқ Нажаб» достонининг туркий фольклоршунослигида ўрганилиши тарихига доир илмий-назарий қарашлар янги маълумотлар билан бойитилган ва такомиллаштирилган;

«Ошиқ Нажаб» достони туркий версияларидаги фарқли жиҳатларнинг юзага келишига миллий эпик анъаналарнинг ўзига хослиги, бахшиларнинг индивидуал бадиий маҳорати ва бадиҳагўйлик иқтидори асос бўлганлиги ҳақидаги илмий-назарий хулосаларидан Қорақалпоғистон Республикасининг таълим туркман тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида тажриба-синов ишларини олиб боришда, ўқув режаларини тузишда, халқ достонлари ҳақидаги назарий билимларни амалиётда қўллаш кўламини кенгаштиришда, достон матнларини таҳлил этиш ҳамда ўқувчиларга туркман фольклорининг ўзбек, қорақалпоқ фольклорлари билан типологик ўхшашлигига хос маълумотларни етказишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 16 декабрдаги №01-01/10-3929-сонли маълумотномаси). Натижада ёш авлод қалбига номоддий маданий мерос билан боғлиқ анъаналарни кенг кўламда сингдириш орқали уларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳамда халқ достонларидан руҳий озикланиш ҳиссиётларини шакллантиришга эришилган.

Ўзбек, қорақалпоқ ва туркман халқлари фольклорининг муштарак мероси ҳисобланган «Ошиқ Нажаб» достонида соз санъати ва бахши образининг акс этиши, унинг мифологик асосларига алоқадор илмий натижалар И.В.Савицкий номидаги бадиий санъат музейининг халқ ижодиёти бўлимига тегишли экспонат ва материаллар кўргазмасини ташкил этишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги №2-4/1602-сон маълумотномаси). Халқимиз соз санъати, дутор жўрлигида қўшиқ айтиш ва бахшичилик санъатининг келиб чиқиши ҳақидаги мифопоэтик қарашлари акс этган эпик асарларни тарғиб қилиш натижасида бахшичилик соҳасидаги «устоз-шогирдлик» анъаналарини қайта тиклаш, ёшларда бахшичилик санъатига ҳавас уйғотиш ҳамда ёш авлодни ва-

танпарварлик, миллий ўзликни англаш ва руҳан етук тарбиялашга эришилган;

Оролбўйи этномаданий ареалида кўшни бўлиб яшаб келаётган ўзбек, туркман ва қорақалпоқ халқлари эпик аъъанасидаги ўхшашликлар, дostonлардаги сюжет ва мотивларнинг мифологик асослари билан боғлиқ назарий қарашлар ва таҳлилга тортилган «Ошиқ Нажаб» дostonини қиёсий ўрганиш натижасида кўлга киритилган материаллардан Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг «Олтин остона», «Адабиёт ва давр» каби дастурларида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2020 йил 24 декабрдаги №01-02/с296-сон маълумотномаси). Натижада «Ошиқ Нажаб» дostonи туркий версияларининг генезиси ва поэтикаси, мазкур дostonнинг миллий талқинларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ҳақидаги илмий қарашлар жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробациялари.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 5 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 137 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **“Кириш”** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилиш даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **««Ошиқ Нажаб» дostonининг туркий версиялари ва уларнинг ўрганилиши»** деб номланган бўлиб, иккита фаслни ўз ичига олади. Бобнинг «Ошиқ Нажаб» дostonининг Марказий Осиё туркий версиялари ва уларни ўрганиш масалари» деб номланган илк фаслида туркий халқлар, жумладан, ўзбек, қорақалпоқ, туркман халқлари фольклорини тарқалган халқ дostonларидан бири «Ошиқ Нажаб» дostonининг туркий версиялари ва уларнинг ўрганилиши масалалари, дoston версиялари ҳамда

вариантларининг ўзига хос хусусиятлари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган.

«Ошиқ Нажаб» достони Марказий Осиёнинг Орол бўйи этномаданий ареалида қадимдан ёнма-ён яшаб келаётган ўзбек, қорақалпоқ ва туркман халқлари фольклорида кенг тарқалган. Ушбу достоннинг ўқувчиларга танилиши ва кенг тарқалишига бахши, қиссахон, жировларнинг роли катта бўлган. Достон воқеалари ҳам бахши-созандалар ҳаётига бағишланган бўлиб, энг бош ғоя халқнинг мусиқага, соз-суҳбатга, санъатга, бахши, жировларга бўлган эҳтиромини акс эттирган. Мусиқа ва санъатнинг обрўсини юқори чўққиларга юксалтиришга бағишланган. «Ошиқ Нажаб» достонида воқеалар бош қахрамонлар – Ошиқ Ойдин пир, Албанд, Нажаб бахши фаолиятлари асосида баён этилади. Достон муаллифи номаълум, у халқ достони ҳисобланади. Достон ўзбек халқ фольклорида «Ошиқ Нажаб», қорақалпоқ фольклорида «Нажап ўғлон», «Ашиқ Нажап», туркман фольклорида «Нажаб оглан» деб юритилади.

Достон туркий халқлар фольклорида ҳам ўрганилиб келинмоқда. Уни ўзбек фольклоршунослигида профессор С. Рўзимбоев бахшилар тилидан ёзиб олиб, «Хоразм достонлари» «Ошиқнома» туркумига кирувчи достонлар сериясининг 4-жилдида нашр эттирди. Олимнинг таъкидлашича, «Ошиқ Нажаб» достонининг оғзаки варианты бахши Рўзимбек Мурадов репертуаридан ўрин олган<sup>10</sup>. Ўзбек тилидаги яна битта варианты Хоразм вилояти Қўшқўпир туманида яшовчи Ўғилжон халфа қўлида сақланади<sup>11</sup>.

Қорақалпоқ фольклоршуноси Қ. Мақсетов «Ошиқ Нажаб» достонини 1960 йилда Қоражон бахшидан ёзиб олган бўлиб, у Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими қўлёзмалари захирасида сақланади. Достоннинг қорақалпоқча версияси Қоражон бахши томонидан тўлалигича ижро этилган. Қорақалпоқ бахшилари достонни халқ орасида кенг оммалаштириб, репертуарига мослаштириб, шакллантиришган, ўзгартиришлар киритишга ҳарақат қилган<sup>12</sup>.

«Ошиқ Нажаб» достонининг Қоражон бахши вариантыдаги асосий воқеалар Ошиқ Ойдин пир ва унинг шогирдлари Албанд, Наврўз, Генжемурат, Азбен ораларида бўлган воқеалар билан бошланади. Ошиқ Ойдин пирнинг шогирдларидан бири – Албанд устозини менсимамай, ундан бежавоб ўзим алоҳида бахши бўламан, деб қўлига дуторини олиб пир даргоҳидан чиқиб кетади. Албанд билан боғлиқ воқеалар достоннинг асосий эпизодларини ташкил этади.

Қорақалпоқ олими Ҳ. Хамидов «Ошиқ Албанд» достонини «Албанд Сўна қиссаси» деб атайди. Достон сюжетида Албанднинг Сўнага ошиқ бўлиши ва унга уйланиши воқеалари баён этилади. Достон қўлёзмаси ҳақида Ҳ. Хамидов: «ушбу қисса машҳур «Юсуфбек-Аҳмадбек» қиссаси билан бириктирилган ҳолда бир муқовада берилган. Қўлёзма бошида бир-икки қоғоз

<sup>10</sup> Ошиқ Нажаб (достон) / Ошиқнома: Хоразм достонлари. Нашрга тайёрловчилар С. Рўзимбоев, Х. Рўзимбоев, Н. Матниёзова, Н. Раимова. – Урганч, 2009. – Б.7.

<sup>11</sup> Ошиқнома. – Б.7.

<sup>12</sup> Мақсетов Қ. Қарақалпақ халқының көркем аўызеки дәретпелери. – Нөкис: Билим, 1996. – Б.293.

йўқ, тушиб қолган бўлиши керак, унинг ўрнида бир қоғознинг икки томони тўлдириб ёзилган, унда Махтумқулининг «Бу дунё», «Анда бор», «Кетди» деб номланган шеърлари битилган. «Албанд-Сўна» қиссасининг ушбу қўлёзмаси анча кичик, яъни 29 бетдан иборат. Нуханинг бош қисми тушиб қолган, асар назм билан бошланади»,<sup>13</sup> – деб ёзади.

«Қорақалпоқ фольклори»нинг 100 жилдлигида «Нажаб ўғлон» достони ҳам берилган. Китобда достоннинг наср ва назмдан иборат матни тўла эълон қилинган. Достондаги воқеалар Одам атонинг пайдо бўлиши, мусиқа санъати пири Ошиқ Ойдин пирнинг дунёга келиши билан бошланади. Достондаги воқеалар Ганжи Қорабоғ шаҳрида бўлиб ўтганлиги ва ушбу элнинг подшоси Адилхан билан боғлиқ воқеалар достон бошланишида баён этилади.<sup>14</sup>

Илмий ва адабий манбаларнинг гувоҳлик беришича, «Ошиқ Нажаб» достони туркманча версияси қўлёзма вариантлари сақланиб қолмаган. Достоннинг туркманча версиясининг юзага келишида бахшиларнинг хизмати катта. «Нажаб оглан» достонининг туркман бахшилари – Маммеданна Сопиев, Нури Халиқов, Артиқ Дурдиев, Оре Сейитметов, Оре Кабаев, Қилич Одаев ва бошқалар ижро этган вариантлари бор. Достоннинг туркман тилидаги матнлари 1939 йилдан бошлаб бахшилар ижросидан ёзиб олинади<sup>15</sup>.

Достоннинг туркманча версияси Туркменистоннинг Жанубий туманларида кенг тарқалган ва машҳур Маммеданна бахши ижросидаги варианты сюжет воқеаларининг кенглиги, тўлаллиги ва бадий жихатдан юксаклиги билан ажралиб туради<sup>16</sup>.

Достоннинг туркман вариантлари сюжетлари бир-бирига ўхшаш бўлса ҳам уларнинг баъзилари ҳажм жихатидан фарқланади. Шуни ҳисобга олиб, туркман фольклоршуноси К. Сейтмуратов достондаги назмий бандлар миқдорининг ҳажмига қараб: «Маммеданна Сопиев варианты биринчи, Нури Халиқов иккинчи, Оре Кабаев учинчи, Оре Сейитметов тўртинчи, Артиқ Дурдиев билан Қилич Одаев вариантлари кейинги ўринларда туради»,<sup>17</sup> деб ажратади.

Достоннинг туркман версияси вариантлари 1926 йилда В.Успенский, 1943 йилда Н. Хожаев, П. Агалиевлар томонидан нашр этилган. Достон ҳақида машҳур шарқшунослар Е.Э. Бертельс<sup>18</sup>, В.М. Жирмуниский<sup>19</sup> мақолалари эълон қилинган.

«Ошиқ Нажаб» достони халқ достони ҳисобланса ҳам, баъзи туркман олимлари уни XVIII асрда яшаган туркман мумтоз шоири Шабенде қаламига мансуб, деб белгилаганлар ва у 1943 йилда алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. У достоннинг Ташхөвүз варианты деб ҳисобланган, уни Н. Хожаев

<sup>13</sup> Хамидов Х. Шығыс тиллериндеги жазба дәреклер хәм XIX әсирдеги қарақалпақ шайырлары. – Нөкис: Билим, 1991. – Б.88.

<sup>14</sup> Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. 27-42-томлар. – Нөкис: Илим. 2011. – Б.279-280.

<sup>15</sup> Нежеп оглан (дессан). – Ашгабат: Түркменистан, 1977. – Б.3.

<sup>16</sup> Нежеп оглан (дессан). – Ашгабат: Түркменистан, 1977. – Б.3.

<sup>17</sup> Нежеп оглан (дессан). – Ашгабат: Түркменистан, 1977. – Б.3.

<sup>18</sup> Бертельс Е.Э. «Нежеп оглан» туркменский роман о поэте / Белек С.Е.Малову. Сборник статей. – Фрунзе, 1946; Туркменская поэма о поэте / Труды Московского института востоковедения. Сборник 4. – М., 1947.

<sup>19</sup> Жирмуниский В.М. Народный героический эпос. – М.: Л., 1962

ва П. Агалиевлар нашрга тайёрлашган. Мазкур китоб машхур олим Б.А. Гарриевнинг таҳририда чоп этилган.<sup>20</sup>

Шабенда қаламига мансуб, деб белгиланган мазкур дostonнинг қўлёзма-си мавжуд бўлмаган, аммо унинг матни халқ бахшиларидан ва кекса кишилар оғзидан ёзиб олинганлигини Н. Хожаев қайд қилиб ўтган. У асарнинг мазкур нашрида дostonнинг асл муаллифи ким эканлигини далиллай олмаган ва бахшилар орасидаги фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда дostonни Шабенде қаламига мансуб, дейишга асос борлигини кўрсатган. Ўтган асрнинг 50 йилларида адабиётшунос олим А. Кекилов<sup>21</sup> ҳам шундай фикрга келган. Аммо ҳамма нарсага ҳам вақт ҳакам дегани каби, ушбу фикрлардан буён ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди, фанда анча янгиланишлар юзага келиб, дунёқарашлар ўзгарди ва дoston ҳақидаги кейинги фикрлар диссертацияда батафсил баён этилган.

Туркман фольклоршунослигида дostonни нашр этишда Б. Ахундов, К. Сейтмуратовлар анча жонбозлик кўрсатган. Дoston бўйича махсус тадқиқот олиб борган. С. Гутлиева<sup>22</sup> ўз номзодлик диссертациясида дostonнинг қўлёзмалари бўлмаганлигини, фақат бахшилар репертуари орқали у омма орасида кенг тарқалганлигини белгилаб ўтади. Шунингдек, у «Ошиқ Нажаб» дostonининг мустақил варианты «Ошиқ Албанд» дostonи эканлигини, «Ошиқ Нажаб» дostonи эса унинг давоми эканлигини алоҳида таъкидлайди. «Ошиқ Албанд» дostonининг Б. Ахундов, А. Мередовлар томонидан ёзиб олинган варианты Туркменистон ФА Махтумқули номидаги Тил, адабиёт, миллий қўлёзмалар институти қўлёзмалари захирасида (инв.1382) сақланади.<sup>23</sup>

Мустақиллик йилларида туркман фольклоршунослигида дostonни ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда<sup>24</sup>. «Ошиқ Нажаб» дostonи атоқли бахшилар Кервен Ёвбасаров (2018 й.), хоним бахшилар Алмагул Назарова (2019 й.), Солтанбагт Режепова (2020 й.)лар репертуаридан тушмасдан бугунги кунда ҳам ижро этиб келинмоқда.

Дostonнинг қорақалпоқча версиясида «Ошиқ Албанд», «Ошиқ Нажаб» дostonлари воқеалари бирлаштирилиб, бир дoston сюжети сифатида баён этилиб келинмоқда.

«Ошиқ Нажаб» дostonи Х.Г.Корогли томонидан рус тилига таржима қилинган.<sup>25</sup> Дoston турк фольклоршунослиги Х. Иброҳим Шахин<sup>26</sup> томонидан турк тилига таржима қилинган ва қиёсий таҳлил этилган.

**Бобнинг ««Ошиқ Албанд» дostonининг ўзбек ва туркман версияларининг қиёсий таҳлили»** деб номланган иккинчи фаслида мазкур дoston-

<sup>20</sup> Шабенде. Нежеп оглан. Дессан. – Ашгабат, 1943. – Б.10.

<sup>21</sup> Кекилов А. Молланепес. – Ашгабат: Туркмен дoвлет неширияты, 1957. – Б.121.

<sup>22</sup> Гутлиева С. Туркмен халқ дессаны Нежеп оглан. Ашгабат, 1967

<sup>23</sup> Гутлиева С. «Нежеп оглан» дессаны. – Чәржев, 1990. – Б.13.

<sup>24</sup> Goçmyradow H. Türkmen halk döredijiligi. – Aşgabat, 2010. – B.170.; Otdyúew G., Atdayewa H. Türkmen halk döredijiligi. – Aşgabat, 2010

<sup>25</sup> Короглы Х.Г. Шасенем и Гарып, Касым-оглан и другие туркменские народные повести. – М.: Наука, 1991.

<sup>26</sup> Halil İbrahim Şahin. «Nesep Oglan Destanı'nda Türkmen Bahşılarının Eđitimleri ve İcra Ortamları // Millî Folklor. – Ankara, 2007. 76, Kış. – B.210-217. <http://katalog.tdk.gov.tr/>

нинг ўзбек ва туркман фольклоридаги версиялари, унинг «Ошиқ Нажаб» достони билан алоқаси, достоннинг ҳар иккала версиясидаги эпик сюжет, мотивлар, образлар ва унинг типологиясини аниқлашга эътибор қаратилган.

«Ошиқ Албанд» достонида муҳаббат мавзуси билан бирга соз санъати, устоз-шогирдлик анъаналари таҳлилига ҳам кенг ўрин берилган. Профессор С. Рўзимбоевнинг белгилашича, «Ошиқ Албанд» достонининг учта қўлёзма варианты бўлган. Уларнинг бири Хонқалик халфа Сўна Эшматова қўлидаги қўлёзмадан кўчирилган. Ушбу вариант энг тўлиқ вариантдир. Достоннинг иккинчи варианты Шовотлик Ниёзжон халфа Мусаева қўлидаги қўлёзмадан кўчирилган, у 16 саҳифадан иборат. Учинчи вариант Шовотли Биби халфага тегишли бўлиб, у 34 бетдан иборат. Достоннинг оғзаки варианты бахшилар репертуарида учрамайди. Достоннинг яна бир варианты ЎзР ФА Тил, адабиёт ва фольклор институти Фольклор архивида 432-инвентарь рақами билан сақланади<sup>27</sup>.

«Ошиқ Албанд» достони туркманча версияси халқ орасида кенг тарқалган бўлиб, унда воқеалар Ганжи Қорабоғда бўлиб ўтади».<sup>28</sup> Достоннинг Хоразм ва туркман версияларидаги воқеалар достонларда анъанавий бўлган «Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Ганжи Қорабоғда бир подшо бор эрди. Отиға Шамсиқамар подшо дер эрдилар. Анинг бир ўғли бор эрди, отиға Албанджон дер эрдилар» – деган муқаддима билан бошланган. Ундан сўнг Албанднинг вояга етиши, унинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муҳаббат йўлидаги курашлари, хунар ўрганиши кабилар билан достон воқеаси давом этади. Асарда қатнашадиган образлар ва персонажларга ғайри-табиий кучлар – Ошиқ Ойдин пир, Шохимардон, қирк чилтанлар, фаришталар ва б. хомийлик қилади.

Достонда Албанднинг вояга етиб, овга чиқиш мотиви воқеа ривожига асос бўлган. Барча достонлардаги каби қаҳрамоннинг қандайдир бир иш билан шуғилланиб, ўз хунарини кўрсатиши достон воқеалари силсиласини белгилайди. Достондаги Албанднинг шикорга чиқиши, унга отаси чопқир от, қўлига олғир қуш ҳадя этиши кўп достонларда анъанага айланган мотивлардан бири. Ушбу мотивнинг от, қуш рамзий образлари воситасида баён этилиши отнинг вафодорлиги, қушнинг мақсадга етказиши рамзлари билан боғлиқ.

Достоннинг иккала халқ версияларида воқеаларнинг тасвирланиши, эпизодлари ва сюжетида фарқлар бор. Масалан, достоннинг туркман версиясида воқеалар Ганжи Қорабоғда бўлиб ўтса ҳам, унинг подшоси бефарзанд бўлиб, унинг тушида унга фарзанд ато этилади. Фарзанд тарбиялаш учун Ошиқ Ойдин пирга берилади. Албанд Ошиқ Ойдин пирга етти йил хизмат қилади, аммо устозининг оқ фотиҳасини ола олмайди ва элига қайтиб кетади. Достоннинг Хоразм вариантыда ушбу эпизодлар учрамайди. Албанднинг овга чиқиши, Табриз элига бориб ов қушини учирishi мотивлари Хоразм вариантыда достоннинг бошида берилган.

<sup>27</sup> Хоразм достонлари. Ошиқлар бўстони. 1-китоб. – Урганч: Хоразм нашриёти, 2005. – Б.339.

<sup>28</sup> Гутлыева С. «Нежеп оглан» дессаны. – Чэржев, 1990. – Б.12.



Достоннинг ўзбекча версиясида Албанднинг Сўнага уйланиши ғайри табиий кучлар ёрдамида амалга оширилади. Яъни Албанд тушида Шоҳимардон пирни, тўрт чоҳарёр, қирқ чилтанларни кўради, улар Маҳмуд подшонинг қизи Сўнани келтириб, уларга фотиҳа беради. «Ошиқ Албанд» достони Хоразм вариантыда қаҳрамон ўз туши тафсилотларини пирига айтиб беради. Пир эса туш таъбирини билдириб, Албанднинг Сўнага уйланиши зарурлигини айтади. Ушбу туш воқеасининг достон сюжет қурилишидаги бадиий хизмати шундан иборатки, унда Албанднинг келгуси тақдири, юзага келиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар, унга «Шоҳимардон пир, тўрт чоҳарёр, қирқ чилтан» нинг ҳомийлик қилишидан огоҳлантириш бўлган.

Достондаги ғойибдан пайдо бўлган Ошиқ Ойдин пирнинг берилиши асарни мифологик тасаввурлар билан боғлайди. Ошиқ Ойдин пир карамотли одам бўлиб, у доима инсонларга ёрдам беради. Бошқа достонларда қаҳрамонларни қўллаб-қувватловчи кучлар ғайри табиий кучлар бўлса, бу достонда шу вазифани Ошиқ Ойдин пир бажаради. Бу эса мифологик тасаввурларнинг субъектив ва объектив жиҳатларини синтез қилишнинг бир кўринишидир.

Достоннинг ўзбекча версиясида сюжет финалининг мотивлари ҳам ўзгача тарзда баён этилган. Яъни Албанд ҳар хил зиддиятларни бошидан кечирса ҳам, охири Сўнага уйланади, элига олиб келиб мурод-мақсадига етади. Сюжетнинг бундай тугалланиши халқ идеяларига хос хусусият. Чунки халқ адолатсизликлар қурбони бўлган эпик қаҳрамонларнинг бахтли бўлишини иштайди. Шу сабабли ҳам халқ ўз типик қаҳрамонларини яратган. Бошқа туркий достонларда ҳам мурод-мақсадига етиш мотиви анъанавий мотив ҳисобланади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ошиқ Нажаб**» достонининг ғоявий мазмуни, образлари ва мифологик асослари» деб номланиб, унда уч миллат фольклорида мавжуд бўлган «Ошиқ Нажаб» достонида тасвирланган мазмун ва образлар, уларнинг мифологик илдизлари масалалари ўрганилади.

Ушбу бобнинг «**Ошиқ Нажаб**» достонининг ғоявий мазмуни ва унда мусиқа ҳамда бахшичилик санъатининг тутган ўрни» деб аталган биринчи фаслида достоннинг ғоявий-эстетик мундарижаси, унда бахшичилик санъати ва унинг вазифалари уч миллат фольклорида бор бўлган версиялари воситасида қиёсий таҳлилга тортилган.

Тахминан, XV асрдан бошлаб, оғзаки анъанага айланган мусиқа санъатининг яратувчиси ҳам, меросхўри ҳам мазкур туркий халқлар саналган. Улар ўзи яратган эпик асарларни мусиқага жўр қилиб, халқ орасида тарқатган санъаткорлар – бахшилар бўлганлиги ўз-ўзидан аён. Туркий халқлар орасида қадимдан кенг тарқалган номоддий маданий меросимиз ҳисобланган «Ѓўрўғли», «Шоҳсанам ва Ғариб», «Саётхон-Ҳамро», «Алпомиш», «Ошиқ Нажаб», «Ошиқ Албанд» ва бошқа достонларни ўқиганимизда улар сюжетида бош қаҳрамонлар кўпинча бахшилар бўлган (ошиқ дегани бахши демакдир). Улар қўлларига дутор олиб тўй-ҳашамларда, баъзан ўзларининг бошларига бирор ғам-кулфат тушганда ички дардларини, туйғуларини созга жўр қилиб айтганлар. «Ошиқ Нажаб» достонида ҳам сўз ва сознинг

қудрати беқиёслиги акс этганлигини кўришимиз мумкин. Достоннинг ўзгачалиги ҳам унда эпик, лирик ва қаҳрамонлик хислатларининг яхлит жамланганлигида намоён бўлади.

Атоқли ўзбек фольклоршуноси М. Жўраев ўзбек фольклорида бахши ижрочилигида достонлар, термалар, кўшиқлар ижро этилганлигини, бу биринчи марта академик Т. Мирзаев томонидан махсус ўрганилганлигини қайд этади.<sup>29</sup>

«Халқ мусиқасининг яратилишига, соз асбобларнинг ясалишига, айниқса, созандалар ҳаёт йўлларига мифик тус берганлар. Агар биринчи дуторнинг ясалишида Бобо Қамбар (Али Қамбар) образига алоҳида эҳтиром билдириб, халқ мусиқа асбобининг пайдо бўлишига ўзларининг оддий тасаввурларини намоён этган бўлса, Ошиқ Ойдин ҳақидаги афсоналарда санъат сифатида мусиқага, созга қўйиладиган талаблар, бахшининг вазифаларига кенг тўхтаб ўтилади»<sup>30</sup>.

Туркман халқи орасида соз асбоби – дуторнинг ясалишида Бобо Қамбарнинг магик кучга эгаллиги тўғрисидаги тушунчалар қадимдан сақланиб қолган ва у умумий характерга эга. Масалан, Барзуя Сосонийлар саройида моҳир созанда бўлгани учун алоҳида ҳурмат-иззатга эга бўлган. У ҳар куни бир мусиқа, яъни бир йилда 360 та мусиқа яратгани ҳақида афсоналар сақланиб қолган. Барзуя халқ орасида дуторнинг пири Бобо Қамбар, деган фикрни айтади. Ошиқ Ойдин пир эса мусиқа санъатининг пиридир. Ҳозирги Туркманистон ҳудудида соз санъати билан боғлиқ иккита зиёратгоҳ мавжуд. Боба Қамбар зиёратгоҳи Мари вилоятида, Ошиқ Ойдин пир зиёратгоҳи Тошоғуз вилояти ҳудудидадир. Баъзи афсоналарга қараганда, Бобо Қамбар энг дастлаб дутор ясаган инсон сифатида халқ орасида ҳурматга сазовор бўлган<sup>31</sup>. Бобо Қамбарнинг дутор ясаш усталиги ҳам мифик тушунчалар билан боғлиқ бўлиб, бу ҳақда афсоналар сақланиб қолган, ишда у қиёсий таҳлил этилган.

«Ошиқ Нажаб» достони мазмунидан кўшиқ ва мусиқа қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини, тарихий давр, ижтимоий онгнинг мезони эканлигини англаш қийин эмас. Масалан, достонда Солтанесен подшонинг минг жаллоди бўлса ҳам, унинг мусиқа санъатига катта аҳамият бериши, давлатига келган меҳмонларни соз-суҳбат билан ардоқлаб, бахшиларга дутор чалдириб, мусиқа тинглатиш эпизодларини кўрсатиш мумкин.

Достонда таърифланишича, ҳар бир киши ўз касбининг моҳир устаси бўлмоғи даркор. Ушбу комилликка эришиш учун унга зўр ўстоз, комил пир зарур бўлади. Нажабнинг ҳам зўр созанда бўлиб етишишига соз санъати пири – Ошиқ Ойдин устозлик қилиб, уни ўзи тарбиялайди, соз сирларини ўргатади. Шу билан бирга унинг устози шогирдини инсоний фазилатларга, одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилишга ўргатади. Шогирд алал-оқибат устозидан рухсат олиши керак бўлади.

<sup>29</sup> Жўраев М. Фольклоршунослик асослари (ўқув қуланма). – Тошкент: Фан, 2009. – Б.61. // Мирзаев Т., Саримсоков Б. Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. Б.9-61.

<sup>30</sup> Гутлыева С. «Нежеп оглан» дессаны. – Чаржев.1990. – Б.3.

<sup>31</sup> Halil İbrahim Şahin. Türmenistan sahasi destancılık geleneği ve türkmen destanları. Доктор.дисс. – Turkiya: Balikesir, 2009. – Б. 230. <http://katalog.tdk.gov.tr>

Достонда Албанднинг ўз ўгай боласи Нажабдан енгилишига, биринчидан, боласининг етук созанда бўлиб етишиши сабабчи бўлган бўлса, иккинчидан Нажабнинг камтарлиги, инсоний фазилатларга эга эканлиги сабаб бўлади. Ошиқ Ойдин пир Нажабга фотиҳа берганда манманлик, такаббурлик айлама деб насиҳат қилади.<sup>32</sup> Устознинг берган насиҳатлари одамларни инсоний фазилатларга тарбиялайди, камтар, кенгфёъл, хушмуомала бўлишга ундайди. Улар инсоннинг ўз йўлини белгилашида йўл-йўриқ бўлишини таъкидлайди. Достоннинг қорақалпоқ версиясида ушбу эпизодлар учрамайди, улар мазкур достоннинг ўзбекча ва туркманча версияларида тўла берилган. Бундай ҳодисалар бахшилар ва қиссахонларнинг репертуарига боғлиқ ҳолда юзага келганлиги мисоллар билан далилланган.

Достондаги фотиҳа бериш мотиви бошқа халқлар достонлари билан қийёсланганда баъзи фарқларига эга. Масалан, бошқа халқлар достонларида фотиҳа бериш қаҳрамонларнинг тушида содир бўлса, «Ошиқ Нажаб» достониде Ошиқ Ойдин ўз шогирдига юзма-юз фотиҳа беради. Фотиҳа бериш халқ достонларида кенг ва ибратли тушунча ҳисобланади.

Уч халқ версиясида ҳам достоннинг бош қаҳрамони Нажаб бўлиб, асосий воқеалар ушбу образ орқали баён этилади. Достонда тасвирланган воқеаларнинг барчаси бахшилар ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, ғоявий-мавзувий йўналиши бошқа халқлар достонларидан фарқланиб туради.

Бобнинг «Достонда эпик образлар ва уларнинг мифологик асослари» деб номланган иккинчи фаслида «Ошиқ Нажаб» достонининг образлар тизими ва унинг мифологик илдизларига эътибор қаратилиб, унда Ошиқ Ойдин, Нажаб, Наврўз каби образлар таҳлилга тортилади, уларнинг мифологик асослари ҳақида фикрлар билдирилади.

Шарқ халқларидаги бахшичилик мактабларида созандаларни тайёрлаш, улар ўртасидаги ворислик анъаналари ва ижро маҳорати достондаги Ошиқ Ойдин образи орқали билдирилади. Мазкур образнинг достон сюжетиға киритилишининг бош сабабларидан бири: «Ошиқ Ойдин ҳукмрон жамиятнинг тартиб-интизомидан, ирода-ихтиёридан ташқари шароитда ҳаракат этиши орқали истеъдоднинг илоҳий йўсинда, беҳосдан, бирданиға қалбға куйилиши, сир очиш ҳақидаги Яқин шарқда давом этиб келган концепциялар, ишонч-эътиқодлар, дунёқарашлар халқнинг ҳақиқий санъат устози, унинг ижтимоий-жамият маъноси ҳақидаги фикр-хаёллари, ғояларини очиб кўрса тишининг алоҳида усули сифатида сюжетға киритилган»<sup>33</sup>.

Достонда Ошиқ Ойдин пир образида магик куч акс этирилган ва «мифологик тасвирдан муайян даражада бадий образ томон силжиган»<sup>34</sup>. Достонда берилишича, Ошиқ Ойдин пир ўз шогирдларига соз санъатини яхши ўргатиб, уларнинг эл-халққа, ватанға фидойи инсонлар бўлиб етишишиға тилакдош бўлган. Шу сабабли у бахшилар соз санъатини фақат ўз фойдаси,

<sup>32</sup> Ошиқ Нажаб (достон) / Ошиқнома: Хоразм достонлари. Нашрга тайёрловчилар С. Рўзимбоев, Х. Рўзимбоев, Н. Матниёзова, Н. Раимова. – Урганч, 2009. – Б.84.

<sup>33</sup> Гутлыева С. «Нежеп оглан» дессаны. – Чаржев, 1990. – Б. 6.

<sup>34</sup> Ошиқ Нажаб (достон) // Ошиқнома: Хоразм достонлари. Нашрга тайёрловчилар С. Рўзимбоев, Х. Рўзимбоев, Н. Матниёзова, Н. Раимова. – Урганч, 2009. – Б. 7.

манфаати йўлида ишлатмаслиги лозимлигини алоҳида уқтиради. Ушбу эпизодлар дostonда Ошиқ Ойдин пир, Албанд, Навруз бахшилар орасидаги воқеаларда кўзга ташланади. Дostonнинг қорақалпоқча Қоражон бахши вариантыдаги воқеалар Ошиқ Ойдин пир ҳақидаги воқеалар билан бошланади.

Уч миллат версияларида ҳам Ошиқ Ойдин пир илоҳий бир кучга эга инсон сифатида тасвирланади. У шогирдларини тарбиялаб, оқ фотиҳа бергач, шогирдларининг мақсадлари амалга ошади. Дostonда Нажаб ўғлон устазига етти йил хизмат этиб, бахши-созандалик сирларини пухта ўрганади. Шу билан бирга устозидан турмушда яшаш, инсонпарварлик, кенгфёллиқ, инсонийлик, эл-халқни севиш, унга хизмат қилиш, яхшилик ва ёмонлик каби фазилатларни ҳам ўрганади. Элига қайтмоқчи бўлганда устозидан фотиҳа олиб, унинг айтганларига амал қилади. Дostonда туш воқеаларининг қўлланилиши сюжет ривожини учун асос бўлганлиги кўзга ташланади. Ўзбек фольклоршуноси Ж. Эшонқулов «Туш мотивларида қаҳрамон тушига кирган ғайритабиий куч ёки қўлловчи руҳ унга хавф-хатардан қутилиш йўлларини ўргатади, одатда, тушга кирган ғойиб куч қаҳрамонга керакли маълумот, йўл-йўриқ ва сирлардан бохабар этади»,<sup>35</sup> – деб, таъкидлайди.

Дostonда Нажаб уйкуга кетиб, тушида қирқ чилтанлар ва Ошиқ Ойдин пир қўлидан шароб ичади. Ушбу шароб магик кучга эга бўлиб, Нажабнинг бахшичилик ҳунарини теран ўрганишида унга руҳий куч бағишлайди. Бошқа халқ дostonларида қаҳрамонлар туш кўрганларида уларга қирқ чилтанлар, эранлар фотиҳа беради, аммо мазкур дostonда Нажабнинг тушида қирқ чилтанлар билан бирга, унинг устози Ошиқ Ойдин пир ҳам фотиҳа беради. Натижада, персонаж, деменолог қаҳрамонлар сони қирқ бир бўлади. Нажабни бошқа дostonлардаги қаҳрамонларга таққосланса, у бир қадам юқорида мақом тутаяди, яъни қирқ бир коса шароб ичган Нажаб соз санъатининг комил шахси бўлиб етишади. Дostonда сирли рақамлар ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Дostonда қирқ бир сонининг қўлланилиши билан персонажлар миқдори белгиланади. Дostonда қирқ сонининг (қирқ чилтан) қўлланилиши ота-боболаримизнинг қадимий урф-одатлари, анъаналари, сонларнинг магик маънолари билан боғлиқлигини кўрсатади.

Дostonдаги ушбу тушунчалар сюжет воқеаларини ўзаро боғлаб, қаҳрамоннинг келажакда жамият учун, яхшилик учун курашишига йўл очаяди. Дostonда Нажаб ўз уйига қайтиш учун устозидан руҳсат сўрайди. Дostonда касб эгасининг қандай тарбияланганлигини билиш учун синов мотивлари ҳам учрайди.<sup>36</sup> Нажаб шундай моҳирлик шаробини ичган бўлса ҳам, унинг ҳаракатлари реал турмуш воқеалари билан боғланган, шулар асосида ҳаракат қилади. Ушбу эпизодлар Ошиқ Ойдин пирнинг шогирдига фотиҳа бериб, ўз доторини ҳадя этиб, кузатиб қўйиш ҳолатларида акс этади. Дostonда бу сирли предмет, яъни устози ўз доторини бериб, фотиҳа берган эди. Булар сюжет воқеалари ривожига катта таъсир ўтказаяди. У шогирдига: «- Йўлинг оқ, вақтинг чоқ бўлсин, борган ерингда юрт олурсан», деб оқ фотиҳа берди»<sup>37</sup>.

<sup>35</sup> Жаббор Эшонқул. Ўзбек фольклорини туш ва унинг бадиий талқини. –Тошкент: Фан, 2011. – Б.65.

<sup>36</sup> Нажаб ўғлон (қўлёзма). – Б.37-38.

<sup>37</sup> Ошиқнома. 4-жилд. – Б.84.

Фотиҳа берилиши шогирднинг устози томонидан тан олинисини билдиради. Достонда сирли предмет – дуторнинг қўлланилиши соз санъатига магик куч бағишланиб, ҳатто у етук идеал куч даражасигача ривожлантирилганлигидан дарак беради. Достонда бу сюжет воқеаларини боғлашга хизмат қилувчи курол сифатида кўзга ташланади.

Достонда хотин-қизлар образлари ҳам берилган. Ишда Сўна, кампир, Мунайим образлари қиёсий таҳлил этилиб, Сўна образи орқали ақлли, иболи она образи, кампир образи орқали шарқ аёлига хос миллий хусусиятлар, Мунайим образи орқали сабрли, мард-мардона, муҳаббатда вафоли хотин-қизлар образлари жамлангани аниқланди.

Диссертациянинг «**Ошиқ Нажаб**» достонининг бадиий поэтикаси» деб номланган учинчи бобида достоннинг жанрий-композицион таркиби, сюжети, адабий-эстетик хусусиятлари ва поэтик ўзига хослиги тадқиқ қилинди. Бобнинг «**Ошиқ Нажаб**» достонининг туркий версияларининг сюжети ва композицияси» деб номланган биринчи фаслида достоннинг сюжети, композицион қурилиши масалалари ўзбек, қорақалпоқ ва туркман версиялари мисолида қиёсий таҳлил қилинган ва достоннинг ўзига хос хусусиятлари, типологияси аниқланган.

«Ошиқ Нажаб» достони лиро-эпик асар бўлиб, у наср ва назм аралаш ҳолда яратилган. Достонда бир қанча шеър қаторлари бўлишига қарамасдан, воқеалар асосон наср билан берилган ўринларда баён қилинади. Достонда қўлланилган шеърлар орқали персонажларнинг ички ҳиссиётлари, ботиний фикр-хаёли, орзу-армонлари ва бошқалар ифодаланади. Достоннинг уч миллат версияларида ўхшаш сюжет ва мотивлар бўлишига қарамасдан, унда фарқли жиҳатлар ҳам анчагина. Масалан, достоннинг ўзбек ва туркман версиялари барча достонларга хос анъанавий муқаддима билан бошланади: «Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор андоғ ривоят қилурларким, қадим замонда Яман вилоятинда Султоншо деган бир подшо бор эрдиким, отармончилиғ-чопармончилиғда анинг олдиға тушадурғон зот йўқ эрди»<sup>38</sup>. Достон икки версиясида ҳам воқеалар муайян бир муаллифлар томонидан баён этилмай, достончилар томонидан баён этилади.<sup>39</sup>

Достон эпизодларини баёнлашда Рўзимбек Мурадов ижро этган ўзбек версиясида воқеанинг бошланиши «Қадим замонда Хоразм юртинда Султон Хасан» деган подшонинг бор экани ҳақида сўз этилса, Қўшқўпирлик Ўғилжон халфадаги нусхасида «Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор андоғ ривоят қилурларким, қадим замонда Яман вилоятинда Султоншо деган бир подшо бор эрдиким, отармончилиғ-чопармончилиғда анинг олдиға тушадурғон зот йўқ эрди» деб бошланади. Туркман версиясида эл-юрт номлари «Равылар андаг кыларлар, гадым эйямда Емен илинде Солтанэсен диен патыша бар эрди» деб келтирилади. Нури бахши ва Оре Кабаевларнинг репертуарида «Хоразм вилояти», Оре Сейитмаммедов вариантыда «Зияр вилояти», Артиқ бахши вариантыда «Мусир эли» деб келтирилган.

<sup>38</sup> Ошиқ Нажаб / Ошиқнома. 4-китоб. – Урганч, 2009. – Б.73.

<sup>39</sup> Шу ерда. – Б.73.

Р. Мурадов ва Нури бахши, Оре Кабаевларнинг репертуарларида эл-юрт номлари аталишида ўхшашлик мавжуд бўлса, қорақалпоқ версиясида дoston воқеаларининг бошланиши юқоридагидек эмас, балки «Генже Қарабек елинде Адилхан патша журти» деб бошланган. Шуларни инобатга олганда, дostonнинг қорақалпоқ версияси ўзбек ва туркман версияларига нисбатан анча ўзгалик пайдо этган. Дostonда Албанднинг Сўнага уйланиши эпизодлари туркман хоним бахшиси Алмагул Назарованинг репертуарида бирқанча ўзгаришларга учраган. Масалан, дostonда Албанд Емен элида Солтан Есен подшонинг сарой бахшиси бўлади ва у Сўнани тушида кўриб, унга ошиқ бўлиб қолади. Подшодан рухсат олиб, Генжи Қорабоғ юртига бориб Сўнани олиб келади.<sup>40</sup> Албанднинг Сўнага уйланишида ҳеч қандай қарама-қаршилик бўлмайди. Дostonнинг ушбу вариантыдаги эпизод унинг қорақалпоқ версиясидаги воқеаларига ўхшаш. Қорақалпоқ версиясида Албанднинг тушида пирлар келиб, Генжи Қорабоғ элида бир аёлнинг эри ўлиб, тул қолганлигини уни хотинликка олмаса, иши ўнгидан келмаслигини айтади. Шунда Албанд ўрнидан туриб, Сўнани олиб келишга тайёр бўлганда, Сўнанинг ўзи эшикдан боласини кўлига олиб Албанд ёнига келади<sup>41</sup>.

Дostonнинг ўзбек ва туркман версияларида Албанднинг болали тул аёлга ошиқ бўлиши дostonда муҳаббат мавзусининг кенг ёйилишига сабабчи бўлган. Ушбу эпизод дostonни бошқа туркий халқ дostonларидан, яъни, «Ғариб Ошиқ», «Лайли - Мажнун», «Тоҳир ва Зухра» ва бошқаларидан ажратиб турадиган хусусиятлардан биридир. Бошқа дostonларда бундай эпизодлар учрамайди.

Дostonдаги конфликтларни туркий версиялари билан қиёслаб кўрганимизда, ҳар бир халқ версияси фарқли ҳолда баён этилиши билан ажралиб туради. Масалан, қорақалпоқ версиясида «Нажаб кунлардан бир кун угай акаси Албанддан ўзига соз хунарини ўргатишини илтимос қилади, ўзи унга қизиқишини айтади. Аммо Албанд бу бола келажакда ўзига душман бўлишини ўйлаб, Нажабга аччиғланиб, уни уради. Шундан кейин Нажабнинг ғзаби келиб, Албандга бўлган ғзаби ошиб-тошиб, Ошиқ Ойдин пирга шогирдликка тушади ва пирдан фотиҳа олади, Албанд билан мусобақалашиб, уни енгади. Албанднинг манманлиги ўзига душман бўлиб, Нажаб сарой бахшисига айланади»<sup>42</sup>. Ушбу эпизодлар туркманча Маммеданна Сопиев, Алмагул Назарова вариантларида, ҳамда ўзбекча Р. Мурадов вариантыда бошқача. Улар орасидаги қарама-қаршиликнинг келиб чиқиши от воқеаси билан боғлиқ, яъни Албанд овга кетаётганда Нажабга уйдаги отга қараб туришини буюради. Нажаб яхши деб қолиб, болалик қилиб, отга қарамайди, от қаровсиз қолади. Албанд қайтиб келиб қараса, от қаровсиз қолгач, зўрга жони бўлади. Буни кўрган Албанд ғзабланиб, Нажабни чақиради, нега отга қарамаганлигини сўрайди. Нажаб Албандга «Мен сенинг от боқувчинг эмасман!», деб жавоб беради. Бундан ғзабланган Албанд Нажабни уради ва «ўзимдан

<sup>40</sup> <https://youtu.be/Mukam-kalbyñ-ruhy-lukmany>. Nejeper oglan dessany. Almagul Nazarowa репертуары. Ашгабат, 2019; «Turkmen owazy» телеканалы. 05.01.2019

<sup>41</sup> Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. 27-42-томлар. – Нөкис: Илим, 2011. – Б. 279.

<sup>42</sup> Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. 27-42-томлар. – Нөкис: Илим, 2011. – Б.279.

бўлган болам бўлганинда, бундай қилмасдинг», деган гапларидан сўнг Нажаб ғазаб отига минади. Нажаб онасидан ўзининг отаси ким эканлигини сўрайди. Онаси Албанд Нажабнинг ўз отаси эмаслигини айтади.

«Ошиқ Нажаб» достонининг Р. Мурадов<sup>43</sup> ва Маммеданна Сопиев ижроларидаги вариантлари сюжети ва композицион қурилиши билан ҳозирги туркман бахшилари А. Назарова, С. Режеповалар репертуарларидаги вариантлари ўртасида маълум фарқлар бор.

С.Режепова вариантыда достон воқеаси Нажабнинг Ошиқ Ойдин пирга шогирд тушиши воқеаси билан бошланади. Асар қисқарган шаклда ижро этилган. Аммо шундай бўлса ҳам, достоннинг барча версия ва вариантларида Нажаб образи воситасида соз санъатининг нуфузи кўкларга кўтарилади.

Достонда бирнеча эпизодлар баён этилади, уларда ҳар бир воқеанинг юзага келишига бир неча сабаблар кўрсатилади, пировардида, улар бир-бири билан боғланиб, достоннинг яхлит композициясини ташкил қилади. Достонда Нажаб устозидан фотиҳа олиб, ўз ўғай отаси Албанд билан подшо саройида дутор чертиб мусобақага тушиши эпизоди орқали, яъни Нажабнинг ғалабаси билан тугаган мусобақа натижасида конфликт ўз кульминацион нуқтасига етади ва унинг ҳал бўлиши соз санъати ёрдамида юзага келади. Достонда конфликтни кенг ривожлантириш мақсадида, юқоридаги каби қарама-қаршиликлар – куч синашиш мотиви икки босқичда олиб борилади. Бу эса достон сюжетини бошқа халқ достонларидан ажратиб турувчи муҳим нуқталардандир. Чунки бошқа достонларда персонажлар орасидаги мусобақа фақат мусиқа чалиш мотиви билан ифодаланса, бу достонда эса ҳам мусиқа чалиш ва ҳам айтишув орқали ифодаланади. Бу достонда анъана тусига кирганлиги кўзга ташланади.

Достонда Албанд билан Нажаб орасидаги конфликтлар ечимининг баён этилишида уч версияда ҳам фарқлар бор: ўзбекча версиясига кўра туркманча версиясида (М. Сопиев репертуарида) драматизм кучли, яъни Албанд мусобақада енгилиши билан бирга Нажабдан таёқ ҳам ейди. Қорақалпоқча версиясида эса Албанд подшо томонидан жазоланади. Достонда юқоридаги каби эпизодлардан кейин, Нажаб подшо айтганларига рози бўлмаслиги натижасида достонда янги сюжет конфликтни пайдо бўлади. Достонда подшо ўз саройида моҳир созанда бўлишини истади.

Умуман олганда, достоннинг уч версиясида ҳам энг охирида Нажаб Мунайим билан турмуш қуриб, мурод-мақсадларига етади. Объект достоннинг қуйидагича жиҳатлари билан фарқ қилувчи томонларини кўрсатиш мумкин: достоннинг қорақалпоқча версиясида воқеалар ўзбекча ва туркманча версияларига нисбатан бошқача баён этилади. Қорақалпоқча версиясида Нажабнинг дорга осилишига Албанд сабабчи бўлади, Мунайимни ўз отаси – подшога ёмонлайди. Подшо дарғазаб бўлиб, Нажабни дорга осилишга буюради; достонда Нажабни ўлимдан қутқаришда, конфликт ечимида Аҳмадбек ва Юсуфбеклар қатнашади. Аҳмадбек образи фақат конфликт ечимида иштирок этиб, бошқа эпизодларда қатнашмайди; достоннинг иккинчи сюжет линияси

<sup>43</sup> ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. №7238.

Ўзбекча ва туркманча версияларида конфликтнинг кульминацион нуқтасида – Нажабни дорга ошиш эпизодида, Нажаб ҳеч қандай илоҳий кучга эга бўлмайди; қорақалпоқча версиясида эса Нажабни дорга тортиш эпизодида Нажаб илоҳий куч таъсирида дорга кўтарилмайди, беш марта тортганда ҳам у дорда муаллақ турмайди; Нажабни илоҳий қўллаб-қувватловчи кучлар Аҳмадбек ва Юсуфбеклар, деб кўрсатилади ва улар воқеалар ечимида муҳим рўл ўйнайди. Яъни Нажабни ўлимдан асраб қолади.

Бобнинг иккинчи фасли «**Ошиқ Нажаб**» достони туркий версияларининг бадиий хусусиятлари» масаласи муҳокамасига бағишланган. «Ошиқ Нажаб» достонининг қўлёзма вариантлари мавжуд бўлмаган, улар бахши ва халфалар томонидан ёзиб олиниб, мусиқа жўрлигида ижро этилган. Достонда мусиқа ва соз санъати билан боғлиқ воқеалар тасвирланган ўринларда улар наср ва назмда ифодаланган. Достонда назмий ўринлар насрга нисбатан кўпроқ. Чунки назм қаҳрамонлар қиёфасини ва ички ҳиссиётларини ифодалашда кучли бадиий қуролдир. Достонда айтишув шаклидаги шеърлар қаҳрамонлар характерини очишда, персонажлар орасидаги илмий салоҳиятни, ижодкорлик маҳоратини, шогирднинг устоз берган таълим-тарбиянинг натижаларини синашда, мусобақаларда айтишув катта рўл ўйнайди. Улар кўпинча мақол ва маталларнинг маъноларини ойдинлаштиришда, нарса-предметларнинг сифатини, белгисини билдиришда қўлланилади. «Ошиқ Нажаб» достонида ҳам нақл, мақолларнинг қўлланилишининг яхши намуналари бор. Бу Ошиқ Ойдин пир билан Наврузнинг, Ошиқ Ойдин пир билан Нажабнинг, Албанд билан Нажабнинг, Навруз билан Нажабнинг айтишувларида яққол кўзга ташланади. Ошиқ Ойдин пир Нажабда қандай ютуқлар борлигини билиш мақсадида: «Бир саволим бор, шуни билсанг сенга рухсат», – деб айтганида Нажаб ҳам «Эй, пирим саволингиз бўлса сўранг», – дейди. Улар савол жавобни бошлашади.

Ошиқ Ойдин пир:

Ул не мажлисдир шаробсиз,  
Ул не мавсумдир ўроқсиз,  
Ул не китобдир варақсиз,  
Калами бор, қораси йўқ<sup>44</sup>.

Ушбу шеърларнинг ярми савол кўринишида баён этилган. Улар рамзли белгилар билан ифода этилиб, тингловчининг фикр фантазиясига, хаёл кучига, дунёни англаш салоҳиятига, илму тасаввурига йўналтирилган бўлади. Шу йўл билан унинг фикр доирасини, таълими, тарбиясининг даражасини, диний ва дунёвий билимини билмоқчи бўлиб берилган саволлардир. Нажаб унга ўз навбатида.

Ҳақнинг мажлиси шаробсиз,  
Ажал мавсуми ўроқсиз,  
Жабрайил ўзи варақсиз,  
Калами бор, қораси йўқ,<sup>45</sup> – деб жавоб беради. Бундай

<sup>44</sup> ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. №7238. Нажаб ўғлон. Ўрозимбек Муродов варианты. – Б. 38.



назмий қаторларнинг мазмунини тушуниш учун диний, тарихий, фольклорга доир манбаларни билиш лозим бўлади. Нажабнинг берган жавобларидан қониққан устози унинг диний, дунёвий билимлардан хабардорлигидан таскин топади. Ислом урф-одатларига кўра шароб тақиқланган нарса, барча коинот сарвари Оллоҳ ҳамма нарсадан устун ва буюклиги, бирор қарори ёки ҳукми ҳеч кимдан ғаразсиз эканлиги, унинг мутлоқ ҳукми барча нарсалардан аъло бўлиши ушбу қаторлардан маълум.

Достондаги назмий шакллар аҳамиятини икки нарсада кўриш мумкин: биринчидан, воқеаларга қаҳрамонлар муносабати шеърлардаги тасвирлардан билиниб туради. Иккинчидан, воқеаларни таъсирли, эмоционал-эксперессив, тингловчи қалбида акс-садо бериш орқали унда эффектив реакциялар ўйғотиш шеърга юкланган функционал юкнинг бир кўринишидир. Достон мазмунидаги эпик, лирик, қаҳрамонлик, инсоний фазилатлар каби образларни ижобий ва салбий турдаги образларга бўлиш мумкин. Асарда образлар характери назмий шакллар воситасида очиб берилиши достоннинг ўзига хос белгиларидан биридир. Достонда насрий йўлда битилган парчаларда ҳам эвфония, оҳангдошлик, назмга хос ўлчовлар (қофия, радиф, аллелетерация, ассонанс, такрорнинг ҳар хил турлари, троплар, фигуралар, оҳангдошлик ҳосил қилувчи фонетик унсурлар) тўла қатнашган. Чунки буюк шоиримиз Алишер Навоий:

Бўлмаса эъжоз мақомида назм

Бўлмас эди тенгри каломиди назм,<sup>46</sup> – деб бекорга айтмаган, яъни назм шунчалик эъзозланмаса, Тангри каломиди назмда бўлмасди, яратилмасди деб қайд этади. Чунки ислом дунёсининг муқаддас китоби «Қуръон» бошдан оёқ қофияли насрда битилган (сажъда). Достондаги қофияли насрда битилган барча парчалар ҳам ушбу оҳангдошлиги билан кўтаринки руҳда таъсир этади ва шундай қабул қилинади. Масалан, достоннинг қорақалпоқча версиясида дор остида турган Нажаб Ҳаққа муножаат қилади, ўзини озод этишни илтижо қилади. Ушбу дардли нолаларни эшитган Аҳмадбек билан Юсуфбек Нажабни қутқариш йўллари излайди. Ушбу эпизодлар тасвири ноёб оҳангдошлик, таъсирчан ритмда берилади.

«Буны Аҳметбек ҳам Юсупбек кәрди. Олар:

– Муннан патшаға барайық, Нәжепти тилейик, берсе бергени, бермесе, дар-мары менен, жер-мери менен Нәжепти жулып алайық, – деди.

Ол ўақытлары патшадан бийжуўап датшешпекке орын жоқ деп, еки арыслан ойласық қылып, Әдилхан патшаға ат шапты. Әдилхан патшаға арыз салды.

– Бизден бир ул, сизден бир қыз гўналы болыпты, еккисиниң гўнасын сизден сорап келдик, – дейди.

<sup>45</sup> ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. №7238. Нажаб ўғлон. Ўрозимбек Муродов варианты. – Б. 38.

<sup>46</sup> Алишер Навоий. Ҳайратул – аброр. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 21.

– Тахт сорасаң берейин, журт сорасаң берейин, зер сорасаң берейин, ол жуўермекке қызымды бермеймен, – дейди патша.

Жети мәртебе арзы етти.

– Бермеймен, – деди патша.

Сегизинши сорағанда:

– Бар, бердим, – деди патша.

Әне, Әметбек, Юсупбек дардың қасына келсе, Нәжеп енди өлмекке мейил болған екен. Сол ўақытта батыр Әметбек қылыш пенен дарды кести, Нәжеп жерге шырланып түсти. Ақыл-хуўшы басынан кетип, Әметбек, Юсупбекке қарап Нәжеп бир ғәззел айтты»<sup>47</sup>

Юқоридаги эпизодларда «барайиқ, тилейиқ, алайиқ» сўзлари қофиялашиб оханг ҳосил қилган. Такрорлар ҳам бадий восита сифатида достонда катта рол бажаради. Масалан, «Тахт сорасаң берейин, журт сорасаң берейин, зер сорасаң берейин». Шунингдек, антitezалар ҳам қахрамон характерини очишда катта вазифа бажаради. («берейин» «бермеймен»).

Шундай қилиб, «Ошиқ Нажаб» достонида бадий тасвир воситалари, троплар кенг қўлланилиб, у асар мазмунининг эмоционаллигини кучайтиради, ҳар бир сўзни полифункционал қабул этишга ёрдамлашади.

## ХУЛОСА

Диссертация тадқиқоти бўйича олиб борилган изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. «Ошиқ Нажаб» достони халқ аноним достонлари типига мансуб бўлиб, унинг яратилиш даврлари XIV-XV асрларга туғри келади. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, «Ошиқ Албанд» достони биринчи, «Ошиқ Нажаб» достони эса унинг давоми ҳисобланади. Достон асосан оғзаки равишда тарқалиб, кейинчалик у бахшилар тилидан ёзиб олинган. Достоннинг оғзаки варианты ўзбек фольклорида бахши Рўзимбек Мурадов репертуаридан, Хоразм варианты Уғилжон халфадаги нусхасидан, туркманча версияси Маммеданна Сопиев вариантдан, қорақалпоқча версияси Қоражон бахши вариантларидан ёзиб олинган. Ушбу вариантлар анъанавий сюжетни ўзига хос тарзда бадий интерпретация қилгани, образлар тизими ва эпик мотивларининг оригиналлиги, ҳар бир бахшининг ўз репертуарига мувофиқ ижро этилиши, тасвирлаш маҳоратини акс эттириши билан ҳар бири ўзига хос хусусият пайдо этган.

2. Достоннинг ўзбекча ва туркманча версиялари ўзаро ўхшаш, қорақалпоқча версияси ҳажми жиҳатдан анча қисқа. Достон бадий матни маълум бўлгани каби ўзбекча версиясида Р. Муродов ва Уғилжон халфа ижро этган вариантларида назмий шакллар кенг қўлланилган бўлиб, ижрочилар маҳоратига боғлиқ ҳолда бадий қайта ишланган эпизодлар аниқ кўзга ташланади. Достоннинг туркманча Маммеданна Сопиев, Нури Халиков, Артик Дурдиев, Оре Сейитматов, Оре Кабаев, Килич Одаев ва бошқалар ижросидаги вари-

<sup>47</sup> Қарақалпақ фольклори. Көп томлық 27-42-томлар. – Нөкис: Илим, 2011. – Б. 288.

антларида сюжет қурилишида, воқеаларни баён этишда, бадий ижроларида фарқлар мавжуд бўлиб, ҳажми ҳам бир оз кенгдир.

3. Қорақалпоқ версиясида «Албанд-Сўна қиссаси» ва «Ошиқ Нажаб», деб икки дoston келтирилади. Уларнинг Хурлиман бахши ижросидаги варианты ҳажми жиҳатидан анча қисқа, Қоражон бахши варианты эса воқеаларнинг гўзал баён этилиши, сюжет қурилиши, мазмунига кўра анча ҳажмдор бўлиб, унда Ошиқ Албанднинг Сўнага уйланиши ғайри табиий бўлиб, унга Ошиқ Ойдин пир ёрдам беради. Дostonдаги кейинги эпизодлар Нажабнинг соз ўрганиб, бахши бўлиши, ўзининг угай отаси Албандни дотор чертишда енгиб чиқиши ва Мунойимга уйланиши билан воқеалар тугалланади. Дoston мазмунидан маълум бўлгани каби ўзбекча ва туркманча версияларига нисбатан қорақалпоқча версиясида бир қанча эпизодлар туширилиб қолдирилгани кўзга ташланади.

4. Дostonни ўрганиш масаласи XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб амалга оширилган. Асарни ўрганиб, изланишлар олиб боришда биринчи рус олимлари катта саъй-ҳаракат қилишган. Шу билан бирга, дostonнинг оғзаки шаклда тарқалганлигига қарамасдан, туркман фольклоршунослигида асарнинг китобий вариантлари ҳам мавжуд деган фикрлар ўртага ташланади. Яъни дoston XVIII аср туркман шоири Шабенданинг қаламига мансуб, деган фикрлар пайдо бўлди ва у 1943 йилда Б.А. Гарриев таҳририда нашр қилинган. Аммо туркман илмий доиралари «Ошиқ Нажаб»ни халқ дostonи, деб ҳисоблайди. Ишда бу ҳақда таҳлиллар келтирилди ва муносабат билдирилди.

5. «Ошиқ Албанд» дostonининг ўзбекча версиясида Албанднинг дунёга келишидан бошлаб, вояга етгунича бўлган даврда уни Ошиқ Ойдин пир қўллаб-қувватлайди. Дoston охирида Албанд Сўна қизга уйланади, мақсад-муродига етади. Туркманча версиясида Албанднинг Сўнага уйланиш эпизодлари «Ошиқ Нажаб» дostonида баён этилади. Шу билан бирга Албанд ва Нажабнинг ота, бола ва бахшичилик санъати ҳақидаги ғоялар умумлаштирилиб бирлаштирилган. Аммо иккала дostonдаги образларни қиёслаганда, улардаги ўхшашликни кўриш мумкин.

6. «Ошиқ Нажаб» дostonида келтирилган туш мотивларининг илдизлари шомон мифологияси билан боғлиқ бўлиб, устоз тарбиялаган шогирдининг комиллигини билдиради, фотиҳа мотивлари эса, устознинг ўзи тарбиялаган, илм ўргатган шогирдидан рози эканлигининг рамзи бўлиб ҳисобланади. Дostonда мифологик тушунчалар, демонологик образлар кўп учрайди.

7. Дostonдаги энг асосий ғоя халқнинг соз-суҳбатга, соз санъатига, бахши-жировларга бўлган ҳурматининг акс этишидир. Зотан, соз санъатининг кучини, илоҳий қудратини баланд чўққиларга кўтаришга баъғишланган «Ошиқ Нажаб» дostonида воқеалар бош қаҳрамон Ошиқ Ойдин пир, Албанд ва Нажаб бахшилар орқали тасвирланади. Бу эса ўз навбатида «Ошиқ Нажаб» дostonини бошқа фольклор дostonларидан ажратиб туради.

8. «Ошиқ Албанд» дostonи сюжетининг финал қисми мотивлари ҳам ўзига хос тарзда баён этилган. Яъни Албанд ҳар хил қарама-қаршиликларни бошидан кечирса ҳам, охирида Сўнага уйланиб, уни ўз элига олиб қайтади, мурод-мақсадига етади. Сюжетнинг бундай яқунланиши халқ ғоясига мос

ходиса. Чунки халқ адолатсизлик қурбони бўлган эпик қаҳрамонларнинг бахтли бўлишини истайди. Демак, халқ шу тарика ўз қаҳрамонларини яратади. Бу ҳол бошқа туркий дostonларда ҳам мавжуд, анъанага айланган, асар қаҳрамонларининг мурод-мақсадига етиш мотиви халқ орзу-истакларининг, эзуликнинг ғалабаси тимсоли сифатида ифодаланган.

9. «Ошиқ Нажаб» дostonининг ўзбекча ва қорақалпоқча версияларининг тил хусусиятлари уларда воқеаларнинг баён этилиш усулида, туркман версиясининг таъсири кучли эмоционаллик-эксперессивликда эканлиги намоён этилди. Уч версияда ҳам воқеалар наср ва назмда баён этилган. Дostonда қаҳрамонлар ботиний ҳис-туйғуларини акс эттирувчи 400 дан ортиқ шеър мисралари мавжуд бўлиб, улар асосан анъанавий кўринишда яратилган, шеър қаторлари 8 ҳижодан, баъзилари 11 ҳижодан, айримлари 14 ҳижодан иборат мисралардир. Шеър қаторларининг кўп ҳижоли шаклда қўлланилиши уларни мусиқага жўр қилиб ижро этишда, ифодали ўқишда қулайликлар туғдириши далилланди.

10. «Ошиқ Нажаб» дostonида демонологик образларга, фотиҳа тушунчасига катта эътибор қаратилиб, синов мотивлари орқали шогирднинг етук инсон бўлиб етишишида, онгли, илмли бўлиб гавдаланишини ифодалашда диалоглар ва монологларнинг роли катта эканлиги кўрсатилди.

11. Қиёсий кузатишларга кўра, «Ошиқ Нажаб» дostonи замонавий фольклорда ҳам бахшилар, жировлар томонидан жўр қилиб ижро этилиши аниқланди. Аммо ҳар бир бахшининг репертуарига кўра, улар орасида нисбий тафовутлар борлиги белгиланди. Тўғриси, ўзбекча ва қорақалпоқча версияларининг бахшилар, жировлар томонидан жўр қилиб ижро этилиши қиёсланганда туркман бахшилари орасида «Ошиқ Нажаб» дostonини дотор чертиб ижро қилиш анъанаси кенг сақланиб қолгани маълум бўлди.

12. «Ошиқ Нажаб» дostonининг умумтуркий версияларига хос хусусият шундаки, уларда мусиқа, созандалик санъати халқни ҳалолликни, гўзалликни севишга, табиат ва жамиятдаги ҳар бир нарсага эстетик муносабатни тарбиялашга хизмат қилиши кўрсатилди. Дostonнинг ўзбекча, қорақалпоқча ва туркманча версияларининг ўзаро уйғун жиҳатлари, композицияси, сюжети, структураси, поэтик мазмуни қиёсий-типологик усулда ўрганилди, бири-бирига қардош бўлган туркий халқларнинг маданий ҳаётига ва адабий меросига хос хусусиятларнинг дostonларда жамланганлиги, халқларнинг соз санъатига бўлган муҳаббати, санъатнинг таъсири орқали ҳаёт заҳматларини енгиб чиқиш, ёрқин истикболга бўлган ишонч ғояларининг дostonларда акс этгани тўлалигича идрок этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,  
ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА**  

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЖЕПБАРОВА САЯТ КУРБАНМИРАТОВНА**

**ГЕНЕЗИС И ПОЭТИКА ТЮРКСКИХ ВЕРСИЙ ДАСТАНА  
«ОШИК НАЖАБ»  
(на примере узбекской, туркменской и каракалпакской версий)**

**10.00.08 – Фольклористика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора наук (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована за номером №B2020.2.PhD/Fil395 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете имени Бердаха.

Автореферат диссертации на трёх (узбекский, русский, английский (резюме)) языках размещён на веб-странице Научного совета ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Жураев Маматкул**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Бахадирова Саригул**  
доктор филологических наук, профессор

**Сариев Санъатжон Матчонбоевич**  
доктор филологических наук

**Ведущая организация:** **Нукусский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 при Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан (Адрес: 100060, город Ташкент, проезд Шахрисабзский, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-14; e-mail: [uzltafi@academy.uz](mailto:uzltafi@academy.uz).)

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан. Адрес: 100100, г. Ташкент, улица Зиёлилар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.

(Реестр протокола рассылки \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Б. Тухлиев**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д. филол.н., профессор

**Л. Худайкулова**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.филол.н.

**Ш. Турдимов**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.филол.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Обновление в современной мировой фольклористике теоретических размышлений обуславливает необходимость пересмотреть проблему эпических жанров и принципы их исследования, возникновения определённого жанра, историю его эволюционного развития, художественного своеобразия, эстетическую функцию, структуру сюжетных систем и генезис ведущих мотивов на основе общепилологических критериев. В частности, исследование с новой точки зрения поэтической сущности народных дастанов, являющихся отражением национального своеобразия, культурного и духовного мира тюркских народов, сегодня имеет большое научное и практическое значение. Ибо, исследование и пропаганда устного поэтического народного творчества, выражающего материальную и духовную культуру каждого народа, отношение к общественной и бытовой жизни, образ мышления, сознания и внутреннего мира непосредственно связаны с развитием не только национальных, но и общечеловеческих ценностей.

Тот факт, что в фольклористике и литературоведении мира преобладают методы типологического и художественного анализа, а масштабы исследований, направленных на определение глубинной сущности каждого литературного явления, становятся все более популярными, позволил доказать, что эволюционное развитие мифопоэтического мышления является непрерывным творческим процессом. Эта научная концепция взаимосвязи художественно-эстетических взглядов и их развитию в тесной историко-обусловленной связи основана на выявлении причин национальной трансформации эпических жанров в фольклоре родственных народов с общим генетическим корнем. В фольклоре тюркских народов, проживающих на территории Средней Азии, формировались различные специфические национальные варианты древних эпических сюжетов. Современный уровень развития фольклористики обуславливает необходимость выявления самобытности и специфических особенностей национальных эпосов, историко-генетически восходящих к общей основе, на основе современных научно-теоретических концепций.

В новом Узбекистане, где реализуются грандиозные работы по развитию науки, истории, культуры и сферы образования, созданы большие возможности для сбора, публикации образцов устного творчества народа и изучения его национального своеобразия. В постановлении Президента нашей страны «О мерах по проведению международного фестиваля искусства бахши» подчеркивается, что фольклор преследует такую благородную цель, как «сохранение и развитие уникальных образцов национального искусства бахши и дастана, его широкая пропаганда, воспитание в сердцах подрастающего поколения чувства уважения и интереса к данному виду искусства, укрепление дружелюбных отношений между народами, совместная творческая работа, дальнейшее расширение в международном масштабе культурно-

просветительских взаимоотношений”<sup>1</sup>. Ведь тот факт, что “искусство бахши, выражающее национальную самобытность разных народов, их язык и образ жизни, традиции и обычаи, дорого всем нам как неотъемлемая часть общечеловеческой культуры”<sup>2</sup>, открывает путь к широкому изучению романтических и любовных дастанов цикла “ошик”, в том числе генезиса, версий и вариантов эпоса “Ошик Нажаб” в фольклоре тюркских народов.

Данная исследовательская работа служит реализации задач, указанных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПК №2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПК №2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан ПК №3990 «О мерах по проведению международного фестиваля искусства бахши» от 1 ноября 2018 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПК №5070 «О подготовке к II международному фестивалю искусства бахши и дополнительных мерах по созданию благоприятных условий для развития искусства бахши» от 10 апреля 2021 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан VMQ №304 «О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию искусства бахши и сказительства» от 24 апреля 2018 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан VMQ №228 «О внесении изменений в положение о порядке проведения международного фестиваля искусства бахши» от 21 апреля 2021 года, в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития и технологий республики I. «Формирование и внедрение системы инновационных идей и пути их осуществления в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-нравственном развитии информатизированного общества и демократического государства».

